

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 30117 тани ташкил қилиб, шундан 26544 таси ёки 88,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7079 та (23,5 фоизи), саноат 5667 (18,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2388 та (7,9 фоизи) ва қурилиш 1987 та (6,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	30117	100,0	26544	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3193	10,6	2846	10,7
саноат	5667	18,8	4991	18,8
қурилиш	1987	6,6	1683	6,3
савдо	7079	23,5	6043	22,8
ташиш ва сақлаш	1026	3,4	917	3,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2388	7,9	2053	7,7
ахборот ва алоқа	477	1,6	377	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	496	1,7	469	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7804	25,9	7165	27,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,2 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 22,6 фоизи хусусий корхоналар, 2,1 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар ва 64,5 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагида тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-сентябрда жами 5185 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3094 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,4 фоизи), Қибрай (11,9 фоиз), Янгийўл (10,8 фоиз), Бўка (7,9 фоиз), Ўртачирчик (6,3 фоиз), Бекобод (6,1 фоиз), Юқоричирчик (5,6 фоиз), Оҳангарон (4,8 фоиз), Қуйичирчик (4,6 фоиз), Бўстонлик (4,4 фоиз) ва Паркент (4,1 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 11,2 фоизи савдо, 16,0 фоизи саноат ва 4,7 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 4657 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 986 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 21,2 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

